

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz

www.adolat.uz

№ 18 (877) 2012 йил, 4 май, жума

Инновацион ярмарка

дастурий мақсадларимизга ҳамоҳанг



Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Ярмарка илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, шу жумладан, кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; республиканинг илмий салоҳиятидан мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш; корхоналарнинг инвестиция ва инновацион фаоллигини рағбатлантириш, инновацион фаолиятини кенгайтириш учун инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш мақсадларида ташкил этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан илмий ва инновация фаолиятини кенгайтиришга қаратилган яна бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий муассасаларга солиқ имтиёзлари берилди, давлат улуши бўлган ўн саккизта йирик санат корхонасида инновация марказлари ва жамғармалари ташкил этилди. Бу эса соҳа ривожига хизмат қиладиган ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш билан бир қаторда, олимларни тармоқ олдида турган долзарб вазифалар ва уларни ҳал этишга хизмат қиладиган илмий лойиҳалар билан таништириш имконини бермоқда.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ариповнинг таъкидлашича, 2008-2011 йиллари ўтказилган анъанавий ярмаркаларда икки мингдан зиёд илмий ишланма, ихтиро ва технология ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва фермерларга тақдим этилди. Уларда умумий 51,0 миллиард сўм ҳажмдаги 1584 та шартномалар ва келишув баённомалари тузилди.

Шунингдек, сўнгги уч йил давомида давлатимиз раҳбари ва

Давоми 2-бетда ➤



9 май — Хотира ва қадрлаш кун

Хотира мангу, хотира ободий, авлодлар умрининг давомийлиги. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб бежиз айтилмаган. Аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатган халқнинг бугуни фаровон, эртаси ёруғ бўлади. Олис кечмишда содир бўлган ҳар бир воқеа-ходиса кейинчалик моҳият эътиборига қўра тарихий сабоқ ва хулосага айланади. Миллатнинг барҳаётлиги ва келажига мана шу сабоқ ва хулосага ҳам боғлиқ бўлиб, жамиятнинг келгусидаги маънавий-ахлоқий мавқеини белгилайди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Ҳар бир миллатнинг ўзи, олис аждодлари босиб ўтган ўтмишга доир хотирасининг уйғуллиги уни эзгуликлар сари ундайди. Хотирасидан, миллий ва диний қадриятларидан, аждодлардан мерос бўлиб келётган урф-одатлардан жудо қилинган халқ эса, шубҳасиз, таназзулга юз тутайди. Тарих

саҳифаларида бунга мисоллар кўп. Инсон хотираси ҳар бир кишининг узоқ-яқин ўтмиш тарихидан, воқеа-ходисалардан хабардорлиги, ўз аждодларининг эзгу амаллари, келажак авлодларга қолдирган маънавий-маърифий меросидан баҳрамандлиги ва уларга амал

қилиши демакдир. Бу хабардорликдан миллий хотира келиб чиқади. Ўтмиш тарихнинг бугунги кун ва эртанги келажак билан бевосита боғлиқлиги ҳақида фикр юритилганда айни шу ҳолат кўзда тутилади.

Давоми 5-бетда ➤

Бошланғич партия ташкилотларида



Куйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш —

партиявий-ташкилий ишлар самарадорлигининг бирламчи асоси

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги энг намунали бошланғич ташкилот — «PLASTEKS» масъулияти чекланган жамиятида ташкил этилган сайёр йиғилиши амалий ва қизғин рўҳда ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг аъзолари, БПТ фаоллари иштирок этишди.

Дастлаб иштирокчилар калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган, рақобатдош маҳсулотлари билан Республикаимиз тўқимачилик санатига самарали фаолият юритиб келётган маъмур фабриканинг технологик салоҳияти ва у ерда меҳнат қилаётган ишчи, хизматчилар фаолияти, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Давоми 2-бетда ➤

Оилавий тадбиркорлик —

ижтимоий ҳимоя гарови

Концепция: устувор вазифалар

Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва ҳимоясини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикаимиз ялпи ички маҳсулотига кичик бизнес улушининг 54 фоизга етгани ҳам шундай сай-ҳаракатлар самарасидир. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун, айниқса, бизнеснинг янги тарихий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги алоҳида таъкидланган.

Давоми 4-бетда ➤

Донишмандларнинг биридан ҳаёт маъноси ҳақида сўраганида, у узоқ ўйлаб туриб: «Ҳаётнинг маъноси орзу қилиш ва унга эришиш учун интилиш» деган экан. Дарҳақиқат, инсон бутун умри давомида орзу билан яшайди. Ҳар бир янги авлод ҳаётга янгича кўз билан қорайди, ота-боболари етмаган манзилларга етишни, янада фаровон турмуш кечиришни, фарзандларини тарбиялаб камолга етказишни ният қилади, қалбида янги-янги ҳошиш-истаклар пайдо бўлади.

Инсон ишонч билан яшайди

Жамият таракқий топар экан, ижтимоий-маънавий юксалиш, фаровонликка эришиш имкониятлари ҳам мутаносиб равишда ошиб боради. Айни пайтда, инсон қалбидида умид, янада яхши кунларга бўлган ишонч туйғуси турмуш чорраҳаларида ногаҳонда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ақл-идрок, сабр-бардош билан енгишга даъват этади. Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохот-

ларнинг, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мақсад-моҳиятига, натижа ва самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий-маънавий фаоллигига боғлиқ. Бу боғлиқлик одамлар қалбида масъулият ва дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Тинч-тотув яшаш, фаровон турмуш кечириш учун кураш унинг ижтимоий-маънавий бурчига айланади ва шу тарзда ҳуқуқий маданият шаклланади.

Давоми 5-бетда ➤

Миллатлараро тотувлик мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши борасида олиб борилаётган эзгу ишларда миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараққиётнинг муҳим омилларидан бири демакдир. Шу сабаб Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси жойларда бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.



3-бет

«Адолат» СДП

ҳаёт ҳақиқатига қарши бормаёйди, ва ана шу ҳақиқат амалга ошмай қолиши билан ҳам келишолмайди

ЎзХДП ҳамкорлигисиз ҳам тадбиркорлар ҳуқуқат ва банклар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунки бутун дунёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка «халоскор» омил сифатида қаралаётти. Шубҳасиз, бундай шароитда давлат томонидан амалга оширилаётган ишлар натижасига шерик бўлишдан осони йўқ. Ахир амалий ғоя ва аниқ мафкура бўлмагач, турли учрашув ва тадбирларда биз фалон ишни бажардик, деб аслида ҳуқуқат ютуғига шерик бўлиш, кўкрак керин олати аслида ўзини баъзида эски ҳукмронлигини эслаб турадиган ХДПга хос фазилат, десак янглишмаймиз.

4-бет

«Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони

Тошкентда 1 май кун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси, Съезен Комен номидаги саратон касалигига қарши курашиш халқаро фонди (АҚШ) ва «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ўтказилди.

Марафон — 2012 беш босқичда бўлиб ўтди: 1) инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича югуриш, 2) ёш болани оилалар, 3) мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари, 4) турли ташкилотлардан хотин-қизлар, шифокорлар ва дипломатик корпус вакиллари, 5) талабалар, кўнгилчилар, артистлар, спортчилар.



8-бет

Партия ҳаёти



Куйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш —

партиявий-ташкилий ишлар самарадорлигининг бирламчи асоси

Давом. Боши 1-бетда

Кайд этиш жоизки, ҳозир 450 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур корхона Ўзбекистон «Адолат» СДП билан узвий алоқада бўлиб, ҳамкорликда кўплаб тадбирларни ўтказиб келмоқда. 2011 йилнинг дастлабки кунларида тузилган бошланғич ташиқлотта корхонанинг 85 нафар ходими билан бўлиб, БПТ раиси Нодирахон Содиқова йиғилиш иштирокчиларини бошланғич ташиқлот учун ажратилган махсус хона билан таништирар экан, бу ердаги замонавий жиҳозлар, кутубхона, партиявий фаолиятга доир йўриқномалар ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар корхона фаоллари, қолаверса, жамоадаги барча меҳнатқилларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётганлигини таъкидлади. Иштирокчилар эса бу ерда яратилган имконият ва шароитлардан ўз хайратларини яшира олишмади.

Шундан сўнг корхонанинг мажлислар залида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси йиғилиши кун тартибидан ўрин олган масалалар муҳокамага кирдирилди. Унда «Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич партия ташиқлотлари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция асосида бошланғич партия ташиқлотлари фаолиятини йўлга қўйиш улар фаолияти самарадорлиги ва фаолиятини оширишга, партия дастурида белгилаб берилган вазифаларни тўлақонли бажаришга имконият яратди.

Йиғилишда ушбу концепция лойиҳаси юзасидан иштирокчиларнинг таклифлари тингланди ва уни мукамал даражага етказиш учун барча ҳудудий ташиқлотлардан ҳам таклиф, тавсияларни умумлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар партия Кенгаши раисларининг намунали бошланғич партия ташиқлотларини шакллантириш борасидаги тажрибалари тингланиб, муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра 2012 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистон

турибди. Партия аъзолари ҳисобини олиб бориш, аъзолик бадалларини йиғиш, ички партиявий масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, партия аъзолари ўртасида сиёсий-маърифий ишларини олиб бориш, уларнинг биланларини юксалтириш, фаолларда ижтимоий-сиёсий ва тармоқчилик кўникмаларини шакллантириш каби ишлар барча БПТларда ҳам бирдек давр талабига мос равишда амалга оширилмаётти.

Куйи бўғинларимизнинг ўз зиммаларидаги вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида бажаришларини таъминлаш жойлардаги бошланғич ташиқлотларнинг таъминоти ва ўтказиш кўникмаларини шакллантиришни ва бир қатор бошқа партиявий ишларнинг самарали ижросини талаб этади, — деди партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Таъкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Р.Ядгаров. — Ушбу талаблар асосида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан «Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич партия ташиқлотлари фаолиятини такомиллаштириш концепцияси» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция асосида бошланғич партия ташиқлотлари фаолиятини йўлга қўйиш улар фаолияти самарадорлиги ва фаолиятини оширишга, партия дастурида белгилаб берилган вазифаларни тўлақонли бажаришга имконият яратди.

Йиғилишда ушбу концепция лойиҳаси юзасидан иштирокчиларнинг таклифлари тингланди ва уни мукамал даражага етказиш учун барча ҳудудий ташиқлотлардан ҳам таклиф, тавсияларни умумлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар партия Кенгаши раисларининг намунали бошланғич партия ташиқлотларини шакллантириш борасидаги тажрибалари тингланиб, муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра 2012 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистон

«Адолат» СДП Тошкент вилоят ташиқлотининг 311 та бошланғич партия ташиқлотидан 9 мингга яқин аъзо, Тошкент шаҳар партия ташиқлотининг 228 та бошланғич партия ташиқлотидан эса 6500 нафарга яқин аъзо билан бўлиб, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Қиррай, Чирчиқ, Охангарон, Бўстонлик туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич ташиқлотлари талаб даражасида фаолият юритишига эриша олган. Бироқ Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Чиноз туманлари ва шаҳар партия кенгашлари фаолиятини БПТлар сони ошиши кузатилмаган. Тошкент шаҳар партия ташиқлотидан куйи бўғинлар фаолиятини йўлга қўйиш, ташиқлотлар раислари учун сиёсий ўқишларни ташкил этиш ишлари Сергели ва Миробод туман партия кенгашларида яхши йўлга қўйилган. Султқашликка йўл қўйган туман партия кенгашлари ҳам ишқ эмас. Вазиятни ўйлаш эса бошланғич ташиқлотларнинг туман ва шаҳар партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари билан алоқаларини кучайтиришни талаб этади.

Кун тартибидан «Ўзбекистон «Адолат» СДП мафқураси фаолиятини тарғиб қилиш усуллари ва шакллари таъминлаштириш тўғриси»даги масала ҳам Ижроия Кўмитаси томонидан аҳолига муҳокама этилди.

Эътироф этилгандек, партия Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида ёшлар ва аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда жамиятдаги фаолиятини ошириш, электротар ва партия фаолларининг сиёсий онгини юксалтириш, шунингдек, маънавий-маърифий йўналишдаги ҳамда Мустақам оила йилига бағишланган жами 780 га яқин тадбирлар ташкил этилди. Йиғилиш иштирокчилари ўтказилаётган тадбирларда партия мафқурасини тарғиб қилиш, уларнинг оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ ёритилиши юзасидан ўз таклиф ҳамда тавсияларини билдиришди.

Йиғилишда «Партия ёшларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ўқув-семинарларини ташкил этиш тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

— Ҳозир партия аъзоларининг 43,5 фоизидан кўпроғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаётгани «Ёш адолатчилар» қаноти зиммасига катта масъулият юклайди, — деди партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси аъзоси, «Ёш адолатчилар» Кенгаши раиси Ф.Омонова. — Жорий йилнинг биринчи чораги давомида марказий ва ҳудудий партия ташиқлотлари томонидан 140 дан ортиқ турли йўналишлардаги тадбирлар ўтказилган бўлиб, уларда ўрта ҳисобда 100 нафардан киши иштирок этган. Ёшлар билан ишлашда Хоразм, Тошкент ва Андижон вилоятлари партия Кенгашлари олдинги ўринларда бўлса, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари партия Кенгашлари фаолиятини камчиликлар мавжуд. Ўз навбатида, партия дастурий ҳужжатлари ижросини таъминлашда партия ёшларини сафарбар этиш жуда муҳим ҳисобланганига қарамай, бу йўналишда тадбирлар, амалий ишлар сони етарли эмас.

Шу боис ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда партия «Ёш адолатчилар» қанотининг ўрнини мустақамлаш, ўтказилаётган тадбирларда партия мафқурасига эътибор бериш, дастурий ҳужжатлар ижросини таъминлашда ёшлар иштирокчини кенгайтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Ёшлар иштирокчидаги тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ҳудудий партия Кенгашлари зиммасига юклатилиб, ўқувларга жойлардаги раҳбар кадрлар, соҳа мутахассислари, депутатлар, етакчи сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимларни кенг жалб этишга келишиб олинди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилиб, вазифалар белгиланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Материалга оид суратлар билан www.adolat.uz сайтда танишишингиз мумкин.

Илёс ШЕРМУРОД.

Инновацион ярмарка

дастурий мақсадларимизга ҳамоҳанг

Давом. Боши 1-бетда

Натижада, корхоналарда 307,6 миллиард сўм ҳажмда, ўндан зиёд янги махсулотлар турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 17,9 миллион АҚШ доллари миқдорда импорт ўрни қопланди, энергия ва ресурс тежамкорлик 3,3 миллиард сўмни ташкил этди, 400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Бу йилги V Республика ярмаркасида 100 дан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструкторлик ташиқлотларнинг 500 дан ортиқ технология ва ишланмалари эътиборга ҳавола этилмоқда. Тақдим этилаётган инновацион технологиялар ва лойиҳаларнинг 223 таси саноатни, 106 таси кишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологиялар янгилаш вазифаларини ҳал этиш, 97 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тармоғи, 61 таси ахборот технологиялари, 17 таси илм-фан ва таълим соҳаси самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

Ярмаркада қатнашаётган ишланмаларнинг 50 дан ортиғи кўрғазманинг алоҳида «Технологиялар трансфери» бўлимида намойиш қилинмоқда.

Шунингдек, ярмаркада ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларига ва инновация фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассас-

азлар, тажриба-конструкторлик ташиқлотлари, шунингдек, халқаро ташиқлотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Бу ерда нафақат яратилган технологиялар бўйича шартнома-лар тузиш, балки реал иқтисодиёт тармоқлари вакиллари янги гоялар ва лойиҳалар билан таништириш ҳам кўзда тутилган. Уларни амалда жорий этиш учун олимлар ва ҳўжалик юртувчилар ўртасида тўғридан-тўғри кооперация алоқаларини ўрнатиш, хомашё ва молия ресурслари, тажриба учун ишлаб чиқариш ба-

— деди семинарда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров. — Зеро, Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш гоясини илгари сураётган «Адолат» социал-демократик партияси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор махсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш



заси зарур. Ярмарка давомида ўтказилаётган янги гоялар ва лойиҳалар тақдимотлари, давра суҳбатлари, семинарлар бундай алоқаларни йўлга қўйишга хизмат

қилади. Кенг ярмарка доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Иқтисодиёт вазирлиги, Республика Фанлар академияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида «Инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришнинг устувор масалалари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг тобора кенгайиб бораётгани ҳамда мазкур аънавий ярмарка доирасида эришилаётган самарадор партиямиз гояларни амалиётда ўз ифодасини топаётганлигининг исботидир,

Инновацион ярмаркада вазирлик ва идоралар миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, фермер ҳўжаликлари, Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлири, илмий мар-

касидаги тадбирларнинг 75 ишланмаси ва «Келахак овози» республика танлови гояларининг 15 ишланмаси ҳам тақдим этилмоқда.

Намойиш этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган махсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жохон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор махсулотлар яратиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Инновацион ярмаркада вазирлик ва идоралар миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, фермер ҳўжаликлари, Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлири, илмий мар-

касидаги тадбирларнинг 75 ишланмаси ва «Келахак овози» республика танлови гояларининг 15 ишланмаси ҳам тақдим этилмоқда.

Намойиш этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган махсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жохон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор махсулотлар яратиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Эртага ўз ишини аяқунлайдиган ярмарка натижалари ҳақида газетамизнинг кейинги сонида батафсил сўз юритамиз.

Илёс САХАТОВ, «Адолат» мухбири.

Кадрлар салоҳиятини оширишда

сиёсий ўқувлар муҳим аҳамият касб этади

Сиёсий ўқиш

Сайловчилар ишончини қозониш, ўз дастурий гоялари атрофида жинслашган аҳоли қатламнинг хоҳиш-иродасини ифода этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш, пировордида, Қонун чиқарувчи орган ва маҳаллий вакиллик органларидан кўпчилик ўринини эгаллашдек кўрошда устуникка эга бўлиш ҳар бир сиёсий партиянинг мақсад, масъулиятдир. Бу эса партиявий фаолиятнинг барча бўғинлари ишини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида фаол кураш олиб бораётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ана шундай устувор вазифалар ижросини таъминлаш йўлида партия

кадрлари ва фаоллари учун мунтазам равишда сиёсий ўқишларни ўтказиб келмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан Сирдарё вилояти партия Кенгаши фаоллари

учун ташкил этилган «Ўзбекистон «Адолат» СДП ташиқлотлари фаолияти самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусидаги ҳудудий ўқув-семинар ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ етакчилари, Аёллар ва «Ёш адолатчилар» қанотлари масъул ходимлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси кийриш сўзи билан очиб, мам-

лакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар сиёсий партиялар фаолиятини оширишни тақозо этаётганлигини таъкидлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча ҳудудий ташиқлотлари сингари Сирдарё вилояти Кенгаши ҳам яратилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, электротар манфаатларига мос илгор ташаббусларни илгари суриши, партия гояларини омма орасида кенг тарғиб қилиши, ўз сафларини ижтимоий адолат тамойилларига содик, фидойий аъзолар ва хайрихоҳлар билан кенгайтириши ҳамда бу орқали «Адолат» СДПнинг

мавқеини янада мустақамлашга эришиши лозимлигини билдирди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари талабларидан келиб чиқиб, барча ҳудудий ташиқлотларда ички партиявий маданиятни шакллантириш, маҳаллий депутатлар ва партия фаолларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, партиянинг муҳим бўғинлари ҳисобланган — «Ёш адолатчилар» ва Аёллар қаноти, бошланғич партия ташиқлотлари ҳамда матбуот хизмати фаолияти самарадорлигига эришиш зарурлиги таъкидланди. Сирдарё вилояти

партия Кенгаши томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, айрим шаҳар ва туман кенгашлари раисларида кузатилаётган масъулиятсизлик, кадрлар орасида сиёсий билим ва кўникмалар етишмаслиги ҳолатлари танқид остига олинди.

Шунингдек, партия кадрлари сиёсий билиминини юксалтиришга қаратилган янгидан-янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, корпоратив маданиятни шакллантириш, партиявий фаолиятнинг ҳар соҳасида кадрлар фаолиятини ошириш ва уларнинг бошқарув маҳоратини орттириб бориш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

— Маълумки, партиямиз фаолияти халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда янада фаол иштирок этишга йўналтирилган, — деди Халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши

депутати Раъно Сулаймонова. — Шунингдек, фуқароларни партиямиз гоялари атрофида бирлаштиришда демократик янгиликларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда шаффофлик, очкиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашга сайловолди дастурида асосий эътибор қаратилган. Ушбу дастурий мақсадларимиз ижросини таъминлаш учун эса вилоятдаги 4800 нафарга яқин партиядошларимиз сафини янада кенгайтириш, мавжуд 114 та БПТ фаолияти самарадорлигини ошириш, партиядан вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришни зарур.

Ўқув-семинар якунида кўрилган масалалар юзасидан иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Миллатлараро тотувлик мустаҳкамланмоқда

Байналмилал маҳалла

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши борасида олиб борилаётган эзгу ишларда миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва барикенглик муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараққиётнинг муҳим омилларидан бири демокдир. Шу сабаб Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси жойларда бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, партиянинг Булоқбоши тумани Кенгаши сафидаги партия аъзолари орасида ўзбеклар билан бирга қирғиз миллатига мансуб фуқаролар ҳам кўпчиликти ташкил этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Андижон вилояти кенгаши ҳамда вилоят қирғиз миллий маркази ташаббуси билан Булоқбоши туманидаги "Бўстон" маҳалласида ўтказилган "Қон-қариндошлик риштаси янада мустаҳкамлансин" мавзусидаги тадбирда

ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик — барқарорлик қафолати эканлиги, республикамизда барча миллатлар учун теппа-тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилганлиги очик эътироф этилди.

— Ўзбекистонда бир юз элликга яқин миллий маданият маркази самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейди Булоқбоши тумани қирғиз миллий маркази раҳбари М. Исмоилов. — Мамлакатимиз Конституциясида белгиланган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, рўйбга чиқаришга оид таъминловчи ҳаётда ўзининг тўла ифодасини топмоқда. Буни фарзандларимиз ўз она тили — қирғиз тилида таълим олаётгани, қизиқиши буйича касб-хунар эгаллаётгани, меҳнат қилаётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тили билан биргаликда бошқа қардош халқлар тилларида, жумладан, қирғиз тилида ҳам таълим берилаётгани, шу тилларда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар чоп этилаётгани юртида биз миллат вакиллари учун кенг шароит яратилганидан далолатдир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг фаолиятида ҳам миллатлараро тотувлик масаласига аҳамият қаратилаётгани шу партиянинг аъзоси сифатида бизни гурурлантирмоқда. Зеро, партия дастурида таъкидланганидек, "Бирдамлик" социал-демократия шioriларидан бири ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз — азалдан ўзининг миллий, маданий ва диний анъаналарига эга қўллаб-қувватлаётган, адабиётлар чоп этилаётгани минтақадир. Мақсадимиз, уларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз барикенглик асосида қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига кўмаклашиш ниятидамыз".

Тадбир якунида бир гуруҳ ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб фуқароларнинг партия сафига қабул қилиниши ана шу бирдамликнинг чинакам ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, бу каби байрамона тадбирларнинг тез-тез ташкил этилиши жамиятда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

"Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Партияга аъзолик — масъулият демакдир

Ўз-ўзини танқид

Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан додил одимлаётган юртимизда истиқлол йилларида ўз аҳамиятига кўра беқимс янгиланишлар рўй берди. Изчил ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошди, эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда юртдошларимиз учун мамлакат бошқарувида фаол қатнашиш, ўз манфаатларини турли жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партияларга уюшган ҳолда ҳимоя қилиш имконияти кенгайди.

Шу ўринда сиёсий партияларнинг ҳам ўз аъзолари орасидан сайланган халқ вакиллари — парламент ва маҳаллий даражадаги депутатлари орқали давлат бошқарувида иштирок этиш, жойлардаги таянч бўғинлари ёрдамида жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсир кўрсатиш имконияти олиб бораётганини таъкидлаш жоиз.

Табиийки, бу жараёнда ҳар қандай сиёсий куч ҳокимият учун курашиши баробарида ўз сайловчилари ишончини оқлаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини амалдаги қонунлар доирасида қондиришга интилади. Бу вазифа партия фаоллари, хусусан, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Хўш, ислохотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Фарғона вилояти Кенгашида ҳудудий ташкилотлар ўзларига билдирилган ана шу ишончи қай даражада оқламоқдалар.

Шубҳасиз, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларини фаол бўлишига ундамоқда. Бу борада "Адолат" СДПнинг Фарғона, Қувасой шаҳарлари ва Ўзбекистон, Ташкент туманлари партия кенгашлари бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнатилган. Афсуски, партиянинг Бувайда ва Олтиариқ туманларидаги аҳвол бунинг ақси эди. Партиявий ички интизом ва фаолият замон талабларига жавоб бермас, узоқ йиллардан бери партиянинг Бувайда туман кенгашига раҳбарлик қилиб келган Расулжон Камоловнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги туфайли партия фаолларининг туман депутатлик гуруҳи билан алоқаси узилиб қолган. Айниқса, "Адолат" гоёси тарғиботи ўз ҳолига ташлаб қўйилган, партия аъзолари ва БПТ учун сиёсий ўқувлар, семинарлар деярли ўтказилмаётгани. Бу — туманда партия ну-

фузига пугур етибгина қолмай, фавий ҳижатдан етук, сиёсий ва ҳуқуқий билимлари юқори кадрлари партия сафларига жалб этиш ҳамда аъзолик бадалларини йиғишда муаммоларни юзага келтирди.

Мавжуд ташвишли вазиятни ўнглаш масаласи Фарғона вилоят партия Кенгаши ижроия қўмитаси йиғилишида муҳокама этилди. "Адолат" СДП туман кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилиб, партиянинг фаол, ташаббускор аъзоларидан бири Ҳайрулло Турғунов кенгаш раиси лавозимига сайланди.

Кенгаш аъзолари Х. Турғуновни мазкур масъул лавозимга сайлаб адашмаганларини тез орада хис этишди. Фаол саъй-ҳаракатлар, тинимсиз меҳнат туфайли сўнгги икки ой ичида 250 нафардан зиёд киши партия аъзолигига қабул қилинди.

Халқ депутатлари Бувайда туман кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи фаоллари ва режалари қайтадан кўриб чиқилди, уларнинг фаоллар ва сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилди. Партиянинг Олтиариқ туман кенгаши мисолида ҳам худди шундай фикрларни билдириш мумкин. Туман "Тинчлик" шарҳаси фуқаролар йиғини раиси Мухаммадали Қозоқовнинг кенгаш раислигига сайланиши БПТлар фаолиятидаги оқсоқликка, аъзолик бадалларини йиғишдаги камчиликларга барҳам берди.

Эришилаётган муайян ютуқларга қарамай, айрим туман

Хайрулло Турғунов кенгаш раиси лавозимига сайланди. Жойларда ўтказилаётган ҳар бир тадбир ва семинарларда эса электоратимиз саналган малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорларга ҳақиқий суянч бўла олаётганини, деган ҳақли саволлар ўртага ташланапти. Афсуски, мазкур йўналишлардаги ишларимизни чуқур таҳлил қилсак, фаолиятимиз бугунги замон талаби даражасида эмас экани ҳам кўзга ташланапти. Демак, ўз фаолиятимизни янада жонлантириш, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориш, зиммамиздаги вазифани талаб даражасида бажариш ва халқ ишончини янада орттириш учун зарур чоралар кўришимиз ва уни амалий жиҳатдан бажаришимиз керак.

"Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Фаол шифокор депутатлар

Депутатлик гуруҳларида

Республикамизда оналик ва болаликни асраш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, фуқаролари соғлом юрт қуратли бўлади. Жойларда замонавий шифо масканлари қод ростлаб, улар энг сўнгги, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Хозирги кунда Жиззах вилояти аҳолисига 48 та шифохона, 234 та амбулатория — поликлиника муассасалари, жумладан, 174 та кишлоқ врачлик пунктлари, 8 та кишлоқ участка шифохоналари, шу билан бирга, Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали ва унинг туманлардаги бўлимлари, Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий — амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Жиззах филиали, 14 та давлат санитария эпидемиология назорат марказлари хизмат кўрсатмоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Бобоев. — Бошқармамиз тиббий муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ва тиббий хизматни яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, вилоятда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи қатор шифо масканлари иш олиб бормоқда. Жумладан, Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг "Болалар анестезиология ва реанимация" бўлимида 15 ёшгача бўлган болаларга бепул шошилини тиббий ёрдам кўрсатиш келимоқда. Қувонарлиси шундаки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг аъзолари бўлган партиядошларимизнинг ҳам муносиб улуши бор.

— Марказимизда ўттиз ўринли болаларга шошилини тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими мавжуд, — дейди марказнинг "Болалар анестезиология ва реанимация" бўлими мудири, олий тоифали анестезиолог — реаниматолог шифокор, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Ориф Зияев. — Бу ерда беморларга 7 нафар шифокор, 4 нафар олий тоифали ҳамда 3 нафар 1-тоифали шифокорлар керакли тиббий ёрдамни кўрсатишмоқдалар. Шу билан бирга, касбим тақозоси туфайли сайловчилар томонидан тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиши, бепул ёки арзон нархларда дори-дармон олишда

қўмаклашиш борасида муружаатлар ҳам келиб тушмоқда. Албатта, бу масалаларда имкони борича депутатлик сўровидан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар муаммоларини ечишга кўмаклашаётишимиз.

— Ориф Зияев ва бошқа марказ шифокорларидан миннатдорман — дейди 12 ёшли бемор Дилноза Авалованинг онаси Гулнора Яркулова. — Шифохонага келганимизда кизим жуда оғир аҳволда эди. Шифокорларнинг ўз вақтида кўрган чоралари туфайли унинг ҳаёти сақланиб қолди. Бугунга келиб фарзандимнинг аҳволи жуда ҳам яхши.

Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ҳам бевосита 15 ёшгача бўлган болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган. "Соғлом она — соғлом бола" шiori остида фаолият юритувчи 145 ўринга мўлжалланган бу шифо маскани вилоятда ихтисослашган малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган ягона марказ ҳисобланади. Марказда кардиоревматология, эрта ёшдаги болалар, гематология, нефрология, неврология, алергология, пульмонология каби бир қанча бўлимлар беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Зиммасида инсон ҳаётини асраб қолиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек оғир вазифа турганига қарамай, марказнинг бош шифокори ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, вилоят Кенгаши депутати, партия депутатлик гуруҳи раҳбари Исомиддин Холмурзаев сиёсий масъулиятни ҳам унутгани йўқ. Шифокор депутатга ўз соҳаси буйича аҳолидан тиббий хизматга оид турли таклиф ва муружаатлар тушиши, табиий.

Ана шундай муружаатлар асосида тегишли ташкилотларга йўллаган депутатлик сўрови асосида Юлдашев Шахзод, Юлдашев Дадахон, Исломова Муниса, Усмонов Алишер, Юлдашев Бекзод каби беморлар бепул даволанишлари учун республикамизнинг турли тиббий муассасаларига юборилди.

— Депутатликнинг ўзига яраша машаққатлари, синовлари бор. Биз, энг аввало, сайловчилар олдидаги ишонч-ни оқламоғимиз лозим. Вақт

ўтапти. Бизларга берилган ваколат ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Хўш, ўтган вақт мобайнида электоратимиз манфаатларини қанчалар ҳимоя қила олдик? Шубҳасиз, бугунги, эртаги сайловчи биздан ҳисобот талаб қилиши тайин, — дейди Исомиддин Холмурзаев. — Шу ўринда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши VI пленумида камчиликлари кўрсатиб ўтилган Жиззах вилоят кенгаши томонидан ҳам йўл қўйилган хатолардан тўғри хулосалар чиқариб, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш борасида зарур чоралар белгилаб олинганини таъкидлаш жоиз. Биз асосан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган депутатлик назоратининг самарадорлигини таъминлашга эътибор қаратаётишимиз. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган йиғилишимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, коммунал хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар ижросига масъул бўлган мутасадди идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича зарур чоралар белгилаб олдик.

"Адолат" СДПнинг яна бир депутати Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиникада аҳолига намунали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Поликлиника қошида стоматология бўлимининг иш бошлагани кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. — Стоматология бўлими 2011 йил июнь-август ойларида тўлиқ жорий таъмир қилиниб, ҳозир туман аҳолисига тўлиқ хизмат кўрсатишмоқда, — дейди поликлиника бош шифокори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мухтор Умаров.

"Саломатлик — 2" лойиҳаси доирасида муассасасига энг сўнгги русумдаги жиҳозлар жумладан, 3 дона стоматология тиббий ускунаси, тиш даволаш учун бир қанча асбоб ускуна ва дори-дармонлар келтирилди. Поликлиниканинг стоматология бўлими шифокорлари томонидан биргина ўтган йилнинг ўзида ўнлаб кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтож беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилди.

Хуллас, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафидан депутатлик сўрови сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни мақсад қилган экан, бизнинг шифокор депутатларимиз ҳам ана шу эзгу гоёларга ҳамоханг тарзда фаолият кўрсатишмоқдалар.

"Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

«Адолат» СДП

ҳаёт ҳақиқатига қарши бормайди, ва ана шу ҳақиқат амалга ошмай қолиши билан ҳам келишолмайди

Партиялараро рақобат

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва нуфузи тобора ошиб бораётир. Мавжуд сиёсий партиялар фаолияти бунинг аққол далилидир. Жамиятдаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўз аъзолари ҳамда тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамият ҳаётидаги ўзининг таъсирини кучайтириш имкониятидан самарали фойдаланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг ҳаётий ғоя ва дастурларини ривожлантириб, уларни бирин-кетин изчил ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Масалан, партия сайловолди дастурида Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ғояси илгари сурилган. Шунингдек, партия ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш микдорини кўпайтириш ҳисобига миллий иқтисодиётимиз имкониятларини янада юксалтириш мумкин, деб ҳисоблайди.

Партия бу борадаги фаолиятини амалга оширишда инновацион тақлиф ва ташаббусларни илгари сураётган олимларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш, айниқса, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, ёш олимларнинг муҳим илмий натижаларини ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2011 йилда «MADAD» сугурта агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя» республика танлови ёшлар орасидан қатор иқтидор эгаларини кашф этгани бунинг ёрқин исботидир.

Ёш партиянинг жойлардаги бир қатор ташкилотлари қошида ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаб келаётган тўғрақлар фаолияти ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаётганлигини қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги назарий-амалий ишлари мисолида ҳам аққол сезиш мумкин. Аввало, партия бу борадаги саяб-ҳаракатларни ҳаётига самарали татбиқ этишда «Ўзбек-энерго» давлат-акциядорлик компанияси билан мустақам алоқа ўрнатди. Йирик-йирик корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, маҳалла ва гузарларда соҳага оид турли тадбирлар, даяра сўхбатлари ташкил этиб келмоқда. Соҳани тарғиб қилиш, уни ривожлантириш мақсадида мукобил энергияга оид махсус рисола chop этирилди. Бевосита партия кўмагида мукобил энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилмоқда, қатор муассасаларда, аҳоли пунктларида қуёш батареялари, шамол генераторлари ўрнатилмоқда...

Энг асосийси, чикиндидан биогаз ва биоғўит ҳамда улардан энергия олиш билан боғлиқ тадбиркорликнинг бу янги кўриниши аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан Охангарон тумани «Янги ҳаёт» ҚФЙдаги «Имкон Ҳамкор Ишонч Бопи» фермер хўжалигида биогаз ускунасининг биринчи навбати ишга туширилиш арафасида. Худди шундай қурилмалар Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ҳам ишга туширилди. Мазкур тадбиркорлик турини оммалаштириш мақсадида жойларда турли тарғибот тадбирлари олиб боришмоқда. Яна бир эътиборли жиҳат, партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши саяб-ҳаракати билан биогаз қурилмасини сановат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Olmaliq metal Konstruksiya» МЧЖ томонидан ана шундай биогаз қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП қошида «Энергияни тежаш ва муқобил энергия ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази» тuzилди. Мазкур марказнинг жойлардаги бўлиmlари орқали мамлакатимиз аҳолиси, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар, партия электоратини ушбу муаммонинг ечимида фаол иштирокини таъминлаш имконияти кенгайди.

минланган оилалар, имкониятлари чекланган одамлар) 500 дан ортиқ вакили бошлангич сармояни шакллантириш ҳамда касана-чилик ва оилавий тадбиркорликни бошлаш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритган. Умуман олганда форумларда ана шундай 6000 дан ортиқ киши иштирок этгани, ЎзХДП ташкилотларининг бевосита кўмаги билан 700 нафарга яқин ўз бизнес-режаси, мақсадли лойиҳасига эга кишига имтиёзли микрокредит учун сертификат топирилгани мамнуният билан эътироф этилади. СЕРТИФИКАТ!!!

Аслида иқтисодий форумнинг асосий иштирокчилари кимлар эди? Бунга мазкур форумларда иштирок этиб, имтиёзли кредит сертификатларини қўлга киритган айрим иштирокчилардан мисоллар келтириб ўтас.

— Корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган, — дейди «Фарход Ширин Термиз» МЧЖ раҳбари Эргаш Ҳайдаров. — Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида тегишли ҳужжатларни «Асақабан»қа тақдим қилган эдим. Лойиҳам маъқул келди. 40 миллион сўмлик имтиёзли кредит оладиган бўлдим. Мустақам оила йилда хориждан ускуна харид қилиб, янги иш ўринлари яратмоқчимиз.

— Мен Косон туманиданман, — дейди Азамат Асламов. — Хунармандчилик билан шуғулланаман. 3 фозиз устама билан 28 миллион сўм кредит оладиган бўлдим. Бу маблағга фаолиятимни кенгайтириш учун керакли ускуна харид қилмоқчиман.

— Менга «Ипотекабанк» 6 фозизли устама билан 3,5 миллион сўм кредит ажратаяпти, — дейди Гулноза Қўлдошева. — Ниҳоятда хурсандман. Нега дейсизми? Мен уй шароитида боқиладиган каптар, бедана сингари қўшларни кўпайтириш билан шуғулланаман. Бу кредит ишимни кенгайтиришга ёрдам беради. Ташкилотчиларга раҳмат!

Бунга нима дейсиз?!

ЎзХДП ҳамкорлигисиз ҳам тадбиркорлар ҳуқуқат ва банклар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунки бугун дунёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка «халоскор» омил сифатида қаралапти. Шубҳасиз, бундай шароитда давлат томонидан амалга оширилаётган ишлар натижага шерик бўлишдан осони йўқ. Ахир амалий ғоя ва аниқ мафкура бўлмади, турли учрашув ва тадбирларда биз фалон ишни бажардик, деб аслида ҳуқуқат ютуғига шерик бўлиш, кўкрак кериш одаи ти аслида ўзини баъзида эски ҳукмронлигини эслаб турадиган ХДПга хос фазилат, десак янглишмаймиз.

Энди ХДПчилар «Адолат»чиларга қарата айтган ибораларини ўзларига қайтиб берасалар. Бир ҳисобда, иқтисодий форумларга тадбиркорлар иштирокини таъминлаб жуда тўғри йўлни танахшади. Бу йўлда улар амалга ошираётган ишларнинг кетидан эргашши орқали ХДП вакиллари уялиб қолишмайди. Чунки тадбиркорлар иши кенгайверида, натижази оқсалаверида. Мевали даракнинг тағида ўтирган одам барибир унинг мевасидан баҳраманд бўлади-да. Бироқ ХДПчилар мевали дарак тағида туриб ҳам мевасидан баҳраманд бўлишининг удрасидан чиқиша олишмайди. Имтиёзли микрокредит учун сертификатларни қўлга киритган озолаб электорат вакиллари (ЎзЛиДеП) электорати уларсиз ҳам олган ва олиб келишяпти) белгиланган сармояни ололмай овора. Иқтисодий форум «ташкilotчилари» эса «сертификат»ни улар қўлларига тутқазиб...

Боз устига, жорий йилда ЎзХДП Марказий Кенгашининг яна бир ташаббуси билан «Маҳалла» аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Чала қолган ташаббус кетидан яна бир ташаббус, ажабо!

Ўзини халқ демократик партияси дея эътироф этган партия вакилларига айтар сўзимиз бор: «Адолат» СДП ҳаёт ҳақиқатига қарши бормайди ва ана шу ҳақиқат амалга ошмай қолиши билан ҳам келишолмайди. Тадбирбозликни хуш кўрувчи ХДП вакиллари томонидан тўқзилган «сертификат»лар тақдирин билан партия қанчаллик қизиқмоқда? Ахир бу ЎзХДПнинг ўз электорати манфратини қўзлаган ва ҳаётда яхши самара бераётган лойиҳа эмасмиди?!
Фарход ЭСОНОВ.



Оилавий тадбиркорлик — ижтимоий ҳимоя гарови

Давоми. Боши 1-бетда

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ва Сенатда маъқулланган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенг қўл очиб беришга, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга ҳамда қўллаб-қўйиш иш жойларини ташкил этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ушбу қонунга мувофиқ, оилавий тадбиркорлик бу оила аъзолари томонидан амалга ошириладиган, таваққул қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. Оилавий бизнесда оилани алоҳида ижтимоий тузилма сифатида мавжуд бўлиш шакли ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Қонунга мувофиқ, оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг умумий мол-мулки ёки мулкий улуши негизида ҳамда оила аъзоларининг бевосита меҳнатдаги иштироки асосида ташкил этиладиган оилавий корхоналар томонидан амалга ошириладиган ҳўжалик фаолиятининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар оилавий корхонага ҳам татбиқ этилади. Оилавий корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини режалаштиришлар қўли билан тўрт йилда бир марта амалга оширилди назарда тутилган эса улар фаолиятидаги самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Оилавий корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юртиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонунда оилавий корхона иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда ишчиларнинг рўйхатдаги умумий сонини фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган ишчилар сонига мос ҳолда ҳамда иштирокчилари сонини билан икки киши бўлиши билан, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқлардан олиқдор озод этиш, аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича қўлланган

Оилавий тадбиркорлик ҳодимининг ўз меҳнати натижаларини манфаатдорлигини ва юксак масъулиятини имкон қадар юқори даражада мувофиқлаштирилади, уни асослашда нафақат моддий, балки ундан ҳам юксакроқ бўлган маънавий рағбатдан фойдаланади.

Зеро, оилавий тадбиркорлик файзу барака манбаидир. Умуман, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўламининг янада кенгайишига, ялпи ички маҳсулотдаги уллушининг ўзгариб бораётган эҳтиёжга тез мослашади. Бундан ташқари, хусусий тадбиркорлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бўлиб, қадим замонларда ҳам аждоқларимиз бирор-бир касбни пухта эгаллаб, рўзгорини тебратиб орқали шу соҳа ривожига туртки берган.

Касбий кўникмалар ривож топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Касб-хунар эгаллаш оилалар фаровонлигини таъминлабгина қолмай, юрт ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки оилалар фаровонлиги таъминланган экан, бу оилаларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганини ҳам англайди. Маҳаллаларда ташкил этилган оилавий тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган қонун солик ва мажбурий тўловлар юқининг камайтирилиши ва мазкур маблағларнинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳисоб-рақамига ўтказиб берилиши ҳудудда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалар, етим-есирлар, ноғиронлар, ёлғиз кексалар, фахрийлар каби ёрдамга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имкониятини оширади. Бундай имтиёз ва кафолатлар Ўзбекистон «Адолат» СДП манфаат ва мақсадларига тўла жавоб беради.

Ўзининг сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий ҳаёт, қучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиоплашган жамиятни шакллантириш жараёнида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган экан, «Адолат» социал-демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси мазкур қонунни тўла қўллаб-қувватлайди.

Ошишига, бундай бизнес ҳуқуқий кафолатларининг қўлаб-қўйишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу ўз навбатида аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини амалга жорий этилиши ҳам демократик. Негаки, худди бизнес оилани мустақамлашга қўмаклашади, турмушда учрайдиган турли муаммоларни оқилона ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, фарзандларнинг тарбияси — оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижобий омилларидан биридир. Оилавий корхонада ишловчи ҳодим ўз меҳнат натижаларини, яъни пировард маҳсулотни ўз кўзи билан кўради ва истеъмолчининг назарига тушиш, эътиборини тортиш учун тинмай ҳаракат қилади.

Ошишига, бундай бизнес ҳуқуқий кафолатларининг қўлаб-қўйишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу ўз навбатида аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини амалга жорий этилиши ҳам демократик. Негаки, худди бизнес оилани мустақамлашга қўмаклашади, турмушда учрайдиган турли муаммоларни оқилона ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. Бундан ташқари, фарзандларнинг тарбияси — оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижобий омилларидан биридир. Оилавий корхонада ишловчи ҳодим ўз меҳнат натижаларини, яъни пировард маҳсулотни ўз кўзи билан кўради ва истеъмолчининг назарига тушиш, эътиборини тортиш учун тинмай ҳаракат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, мудоффа ва ҳафсизлик кўмитаси аъзоси Худоев Маматов «Тарихий бурилиш палатасидаги жасорат» (Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асари тўғрисида) маъруза қилди.

Х.Маматов иқтисодий-сиёсий, мавзуидаги маърузаси тингланди. — Замонавий таҳдидлар ҳақида гапирарканмиз, — деди К.Жўраев. — сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасининг, хусусан, Ўзбекистоннинг дунё сиёсатидаги нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида назарда тутиш зарур. Маърузачи ўз сўзида Ўзбекистон, айниқса, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Минтақавий ва миллий ҳафсизлик йўлида

Учрашув

Мамлакатимизда фуқароларга ўз қоний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга қўмаклашиш, сиёсий онг моддиятининг ривожини учун курашиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, унинг эҳтиёжидан қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш — бош мақсадларимиздан биридир.

Айни шу мақсад доирасида «Адолат» СДП Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги «Нефтчилар» маданият саройида «Ўзбекистон жадал ислохотлар ва минтақавий ҳафсизлик йўлида» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси, Мудоффа ва ҳафсизлик масалалари кўмитаси раиси Қодир Жўраевнинг «Замонавий таҳдидларга қарши курашда Ўзбекистон ташаббуслари» мавзуидаги маърузаси тингланди. — Замонавий таҳдидлар ҳақида гапирарканмиз, — деди К.Жўраев. — сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасининг, хусусан, Ўзбекистоннинг дунё сиёсатидаги нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида назарда тутиш зарур. Маърузачи ўз сўзида Ўзбекистон, айниқса, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос

принципиал ёндашувга эга бўлган, аниқ ва пухта ўйланган ташаббусларни илгари сураётган мамлакатлардан бири эканлигини қайд этиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, мудоффа ва ҳафсизлик кўмитаси аъзоси Худоев Маматов «Тарихий бурилиш палатасидаги жасорат» (Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асари тўғрисида) маъруза қилди.

Х.Маматов иқтисодий-сиёсий, мавзуидаги маърузаси тингланди. — Замонавий таҳдидлар ҳақида гапирарканмиз, — деди К.Жўраев. — сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасининг, хусусан, Ўзбекистоннинг дунё сиёсатидаги нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб бораётганини алоҳида назарда тутиш зарур. Маърузачи ўз сўзида Ўзбекистон, айниқса, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос

ишонли замин бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Умуман олганда, Ўзбекистон — бугунги кунда юзага келган турли кўринишдаги замонавий таҳдидларнинг нафақат юртимизга, балки Марказий Осиё минтақасига тарқалиши йўлида самарали тўсиқ бўлиши билан бирга, минтақда қўлай халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг шаклланишига ҳам қўмаклашиб келмоқда.

Бундан ташқари, республикамиз инсоният қушандиси ҳисобланган терроризм, ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё худудидаги экологик муаммолар, трансгенетик дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш каби қатор масалаларда халқаро ҳамжамият билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.



Суратда: Андижон шаҳри Дуваллик маҳалласида яшовчи Хамиджон Раҳमतов набираси Раҳматилла билан, Х.АРАББОВЕВ (ЎзА) олган сурат

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Давом. Боши 1-бетда

Инсоният тарихи бир қарашда одамларнинг бу ёруғ оламда тинч-тотув умргузаронлик қилиши учун ҳаракатлари, жангу жадаллар, талотўплар, қиргинбарот урушлар, табиий офатлар ва яна кўп сир-синоатлардан иборатдай туюлади. Аслида ҳам шундай. Аммо тарих саҳифаларидан, инсониятнинг буюк бунёдкорлик ишларидан, яратувчилик фаолиятдан англашладиган хулосалардир.

Давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида босиб ўтган ўтмиш тарихини, озодлик учун курашлари саҳифаларини чуқур ўрганиш, улуг бобқалонларимиз ҳурматини жой-жойига қўйиш, ёш авлоднинг улар билан ҳақиқат ривийда фахрланиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бердилар. Бу эътибор миллий истиқлол ғоясининг, маънавий тарбия ишининг, ёш авлод қалбида ватанпарварлик, истиқлолимизга садоқат руҳини шакллантиришнинг ўзак мақсадини ташкил этди. Бунинг боиси, хотира ва қадр туйғуси ўсиб келаётган ёш авлод онгига чуқур сингдирилсагина улар қалбида буюк аждодларимизга, кекса авлод вақилларига муносиб ворислар бўлиб етишиш орзуси йўнади. Агар биз ўтмиш аждодлар хотирасини улуғласак, Ватан озодлиги, миллат равақини йўлида жон фидо қилган ватандошларимизни унутмасак, уларнинг жасорати ва фидоийлигини ўзимиз, фарзандларимиз учун ўрнатиб қўйиб, келажак билсак,

ибратли ишларини давом эттирсак, биздан кейинги авлодлар ҳам айна шундай йўл тутадилар. Шу боис, оптимиздан келаётган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан қилган ишларини қилиб тарбиялашда, маънавий-маърифий ишимизда, партиямиз фаоллари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида ва, айниқса, сафимизга қўшилаётган ёшлар билан ишлашда, уларнинг дунёқарашини, онг-шуурини тўғри шакллантиришда тарихий хотирадан, мазий сабоқларидан, аллома аждодларимизнинг мерос ва ўғитларидан, Президентимизнинг асарларида баён қилинган кўрсатмалардан унумли фойдаланишимиз зарур.

Бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини Иккинчи жаҳон уруши якунланганининг 67 йиллигига тўғри келди. Йиллар уруш асоратларини, беадоқ ғам-андуҳларни биздан тобора узоқлаштиришда, Жангоҳларда қон кечиб, урушнинг жамийки азоб-уқубатларига гувоҳ бўлган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ватандошларимиз сафи тобора сийраклашиб бораётган. Шу боисдан уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уруш ҳақидаги тасаввурлари китоблар, бадиий, ҳужжатли фильмлар, мўйқалам соҳибларининг полотнолари таъсирида шаклланаётган ёшлар билан учрашувлар ўтказиш, хотираларни ёзиб олиш ниҳоятда муҳим.

Тан олиш керак, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлашга, турмуш даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармон ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Бу уруш фахрийларини нафақат моддий рағбатлантириш, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, "Байрам кунинда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш бағроридан, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жанг жаддалларда жон олиб, жон берган аждодларимиз хотираси олдида бош эгиди. Айни чоғда, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган, ҳаёти ва бой тажрибаси билан ёш авлодга ҳар жиҳатдан ўрнатиб бераётган уруш қатнашчиларини ҳурматини ҳар қанча ўрнига қўйсак арзийди. Уларнинг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи даркор".

Хотира ва қадрлаш кунининг маънавий моҳияти яна шундан иборатки, мамлакатимизда нафақат уруш қатнашчилари, шу билан бирга, кўпни кўрган нуруний отахон-онахонлар, устоз ва мураббийлар, ўз касбининг моҳир усталари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинмоқда. Чекрасидан нур ёғилиб турган кекса авлод вақилларининг бебаҳо ҳаётий тажрибаси биз учун ниҳоятда муҳим. Улар ҳаётимизнинг кўрки, пир-бадавлатлик рамзи. Кексалар билан бамабаслаҳат иш тутиш, уларнинг дуосини олиш, оғирларини енгил қилиш халқимизнинг эзгу қад-

риятларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунимизнинг муҳим вазифаларидан бири — ўсиб келаётган ёш авлодга, азиз фарзандларимизга тинчлик бу — ҳаётдаги энг улуг неъмат эканлигини тушунтириш, онг-шуурларига сингдиришдан иборат. Негакки, дунё минтақаларида уруш оловини қайта ёқиш, бўлининг дунёни қайта бўлиб олиш, қуролли, ирқий ва бошқа можаролар чиқариш, халқларнинг осуда ҳаётига раҳна солиш ва бундан моддий манфаат кўриш ҳаракатлари ҳозир ҳам йўқ эмас. Тинчлик, бузилмаган, ҳаловат йўқолган, тотувлик қўлдан кетган жойдан баракка қочадилар, адоват уруғи вабо янглиғ кўпая бошлади. Одамлар яратиб, бунёдкорлик фаолиятдан чалғийди. Шу боисдан ҳам ҳаммиса оғоҳ бўлиш, ақил-ноқилни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмастик тўғрисидаги даъватларни доимо ёдимизда тутмоғимиз ва унга амал қилмоғимиз зарур.

Хотира ва қадрлаш — ҳар биримизнинг миллат равақига, ҳаётимизнинг фаровонлиги билан бевосита боғлиқ эзгу ниятимиз ва амалий ишларимизда ҳам ўз аксини топади. Биз, шубҳасиз, буюк хотирага эгамиз, аммо келажакни хотира билан фахрланишнинг ўзи билангина яратиб бўлмайди. Тарих учун биздан ҳам, улуг боболаримиз каби, буюк ишлар хотира бўлиб қолиши, бизнинг бугунги, келажакдаги ишларимиз, эзгу амалларимиз ва ютуқларимиз ҳам келгуси авлодларни янги зафарларга руҳлантириши ва илҳомлантириши лозим.

Худойёр МАМАТОВ.

Инсон ишонч билан яшайди

Давом. Боши 1-бетда

Бунинг маъноси: ҳар бир киши бу ёруғ дунёда ўзи орзулагандек яшашга, роҳат-фароғатда умргузаронлик қилишга, фарзандларининг камолини кўришга ҳақли. Аммо бунга эришиш кўп жиҳатдан унинг ўзига, бурч ва масъулиятини нечоғли англашига боғлиқ. Яъни, жамиятнинг ҳар бир аъзоси миллий тараққиётга, жамиятда ҳукм сураётган барқарорликка у ёки бу маънода даҳлдор. Соддароқ қилиб айтганда, бир кишининг оддий бир ҳуқуқбузарлиги жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмайди албатта, аммо масъулиятсизлик билан қилинган шу биргина хатти-ҳаракат бошқаларга "ўрнат" бўлиши ва ҳатто кўпайиб кетиши мумкин. Ва аксинча, бир кишининг гайрат-шижоати, фаоллиги яна ўнлаб, юзлаб фаолликка доя бўлиши мумкин.

Мисол тариқасида оддий бир қорхона фаолиятини олиб кўрайлик. Меҳнат жамоасининг раҳбари адолатли, ишбилармон ва ташаббускор бўлса, жамоа аъзоларидаги айна шундай фаолиятлари қадрласа, қонунчилик талабларига ҳамда жамоанинг ўзида жорий этилган ички тартиб-қоидаларга раҳбар сифатида қатъиян риоя қилса, бу жамоада, сўзсиз, ривожланиш бўлади. Бунинг акси, яъни раҳбарнинг сўзи ва амаллари ўзаро мос келмаса, иш олдинга қараб силжмайди. Меҳнат интизомини доимий равишда бузилади, сифат ва самарадорликка путур етади.

Раҳбар ўзи бошқараётган жамоадаги ички интизомдан, одамларнинг кайфиятидан доимо хабардор бўлиб туриши, аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш тадбирини кўриши керак. Айтайлик, бир киши ишга кечикиб келади, топшириқни тўла бажармайди, иккинчиси имконият туғилди дегунча ташмачилик қилади. Жаммоа раҳбарияти бундай ҳолатларга эътиборсизлик билан қараса, яъни, кўриб кўрмаганга олса, орадан кўп ниятимиз ва амалий ишларимизда ҳам ўз аксини топади. Биз, шубҳасиз, буюк хотирага эгамиз, аммо келажакни хотира билан фахрланишнинг ўзи билангина яратиб бўлмайди. Тарих учун биздан ҳам, улуг боболаримиз каби, буюк ишлар хотира бўлиб қолиши, бизнинг бугунги, келажакдаги ишларимиз, эзгу амалларимиз ва ютуқларимиз ҳам келгуси авлодларни янги зафарларга руҳлантириши ва илҳомлантириши лозим.

Мустақиллик йилларида одамларнинг шахсий ибратли, куюнчак ва фаолиги, тадбиркор ва ташаббускорлиги, иш унумини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни қанайтиришга доир таклифларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга

алоҳида эътибор берилди. Собик тузум даврида ҳукм сурган ишлаганга ҳам, ишламаганга ҳам тенг миқдорда меҳнат ҳақи тўлашдек номақбул принципга барҳам берилди. Бу борадаги ижтимоий адолат шундан иборат бўлдики, моддий манфаатдорлик ишнинг бевосита натижасига боғлиқ бўлиб қолди.

Дунёда юз бераётган ўзгаришлар, ҳаётнинг бугунги шиддати боис дунёқарашимизда ва турмуш тарзимизда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ҳолатни истиклол йилларида эришган энг катта ютуқларимиз қаторига қўйсак хато бўлмайди. Мустақилликка эришганимизда бизни миллий маҳдудликка берилишда айбланганлар ва ўзларича ҳар хил баҳоратларни тўқиб чиқарганлар янглишдилар. Ўзбекистон дунёга тезроқ чиқиш, жаҳон ҳам-жамияти сафида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши йўлини танлади. Жаннатмонанд диёримизда яшаётган ҳар бир киши миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, тенг ҳақ-ҳуқуққа, ўз миллий ва диний қадриятларига амал қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваломбор унинг манфаати, унинг оила-си ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англайи етиши ниҳоятда муҳим. Бунинг учун ҳар бир киши ҳуқуқий, маданият, ҳуқуқий онги ва хабардорлик даражасини янада ошириши, фуқаро сифатида фаол бўлиши, жамият ҳаётида, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаши ва тўғри хулоса чиқариши керак.

Кувончилиси шундаки, ортимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, жаҳоний тажрибалардан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод — ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётган. Тажрибадан маълумки, мустақил фикрга эга бўлган бундай ёшларни тўғри йўлдан чалғитиб бўлмайди. Улар жамиятнинг фидойи, қуюнчак аъзолари, ўз Ватани, менга мумкин эмас экан", деган носоғлом фикр пайдо бўлади.

Мустақиллик йилларида одамларнинг шахсий ибратли, куюнчак ва фаолиги, тадбиркор ва ташаббускорлиги, иш унумини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни қанайтиришга доир таклифларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга

лат бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш каби долзарб вазифалар ижросини бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Партиялараро рақобат жамият ва миллат олдида турган умуммақсадга, мамлакат иқтисодиётини ҳар тарафлама мустаҳкамлашга, одамлар турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган экан, бунда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда фикрлар хилма-хиллигига эришиш билан бирга, янги авлод тарбияси, улар онг-шуурининг тўғри шаклланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда эътироф этиш зарурки, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг бундан буёнги мавқеи, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, сўзи ва амалларининг салмоғи улар сафидаги ёшлар қатламининг нечоғли фаоллигига боғлиқ. Қайси партиянинг ёшлар қаноти ҳаракатчан ва ташаббускор, журъатли ва ишчан бўлса, қайси партия ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратса, уларга ўзларини турли соҳаларда намоён қилиш имкониятини берса, шу партия, табиийки, кўзлаган мақсадига эришадилар.

Юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданият ҳақида гап кетганда шунга таъкидлаш лозимки, бундай мақомга эришишнинг зарурлиги жамиятимиз таррақийотининг бугунги босқичидан, олдимизда турган янада залворли вазифалардан келиб чиқади. Мустақил Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрни ва нуфузи қўндан-қўнга, йилдан-йилга мустаҳкамлашиб, бормоқда. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, илмий, маданий-маърифий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, бу йўналишда халқаро андозаларга мос ҳуқуқий база, фаолият юритиш учун қулай шарт-шароит яратилгани хорижлик сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Юртимизга келаётган сайёҳларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бераётган. Истиқлол йилларида тарихий қадди-қоматини тиклаган, миллий либосга бурқалган замонавий Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа қўллаб қўйишга шаҳарларимиз мисолида буни яққол айта оламиз. Озод Ўзбекистонимизнинг ҳар гўшаси, ҳар шаҳар ва қишлоғида ободонлаштириш ишлари авж олган. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

М. АҲМЕДОВ.

Амалий ғоя ва ташаббуслар ижроси

сафимизни ёшлар билан кенгайтирмоқда

Тадбир

Сиёсий майдонда кураш олиб борадиган ҳар қандай партия ўз сафларини ғоявий етуқ, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан онгли, салоҳиятли ёшлар билан тўлдириш, уларни ўз сафларига жалб этишга ҳаракат қилади. Зеро, бундай ёшлар сиёсий партиянинг истиқболини белгилайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши фаолларининг Қарши шаҳрида ёшлар билан ўтказган учрашуви ҳам фикримизнинг амалий исботидир. Унда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан вилоят партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва галдаги режалар ҳақида партиянинг

вилоят Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Абдуқаҳор Аҳмедов маъруза қилди. "Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — демократик ислохотларнинг устувор йўналиши" мавзусида маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Собир Турсунов ҳозирда иш-

лаб чиқилаётган ва муҳокамага киритилган қонун лойиҳалари мазмуни ва аҳамияти, қонунларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизми хусусида иштироки ёшларга маълумот берди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсад қилиб белгиланган, — деди С.Турсунов. — Бунинг учун, энг аввало, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтариш лозим. Бу муҳим масала эса ўзидан партиямиз фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ёшларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш "Адолат" СДПнинг устувор

вазифаларидан бири. Бу борада истиқболли ишларга қўл урилмоқда ҳам. Партия ҳуқуқ-маънавий ёшлар муаммосини ҳал этиш, уларни иш билан ташминлаш, илгор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимини жорий этиш, малакали, бугунги кун талабларига жавоб берадиган кадрларни етиштириш сингари масалаларга муҳим эътибор қаратмоқда. Шунинг учун сафларимизда ёшлар кўпаймоқда.

— Шу кеча-кундузда вилоятда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 6 минг нафардан зиёд аъзолари мавжуд бўлса, уларнинг қарийб 40 фоизини ёшлар ташкил этади, — деди вилоят Кенгаши қошидаги "Ёш адолатчилар" қаноти раиси

Азиза Каримова. — Кенгаш аъзолари айна дамда сермахсул фаолият олиб боришга йил бошидан буён ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, табиий соҳаларга оид йигирмадан ортиқ давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Ўтказилаётган ҳар бир тадбир орқали партиянинг аъзолари билан ёшларни таъминлаш бўлаётган. Ёшлар ҳаётига доир муаммолар ҳам доимий эътиборимизда бўлаётган. Китоб, Шахрисабз, Нишан ва бошқа туманларда бандликка кўмаклашувчи марказлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилаётган амалий тад-



бирлар натижасида қўллаб ёш тенгдошларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда. Бундан ташқари, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ёшларга истеъмол ҳамда чорва моллари боқиб учун кредит олиши лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашяпмиз. Бунинг натижаси ўлароқ, эртанги кун эгаларининг партиямиз ғояларига бўлган қизиқиши ортаб, хайрихоҳларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтган тадбирда "Ёш адолатчилар" ҳамда Аёллар Кенгаши фаоллари томонидан партия нуфузини янада ошириш ва аъзолари сафини кенгайтириш борасида амалий тақдирлар билдирилди, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП, Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Жараён

Моли бор уйнинг мойи бор

Чорвачилик

6 йил аввал худди бугунгидай баҳорнинг кўёшли кунларидан бири эди ўшанда. Аваз ака одатдагидой тонг сахарда дала айлангани чиқиб кетганича тушликка яқин уйга қайтди. Ховли ўртасидаги сўрига ёнбошлаб, бир пиёла чой ичмоқчи бўлиб турганида катта ўғли Баҳодир бир даста газета-журнал кўтариб кириб келди.

— Шаҳардан келаяпсанми? — деди у ўғлининг кўлидаги газеталарга ишора қилиб.

— Йўлда почтачи учраб қолганди...

— Қани бир кўрайлик-чи, дунёда нима гап экан. Газеталарни бир-бир кўздан кечирар экан «Халқ сўзи»нинг биринчи саҳифасида чоп этилган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорини синчиклаб ўқиб чиқди.

— Ана бу бошқа гап, — деди сўнгра ўғлига қараб. — Айни биз боп қарор бўпти-да. Мол кўпайса — эл бой бўлади. Хумлар мойга тўлади, деган эскилар. Бу гапда ҳикмат кўп, болам.

Сўнгра аллақачон совиб қолган чойни хўглаб, бир зум хаёлга толди.

— Отам раҳматли бу гапни кўп-кўп такрорларди. Аммо етарлича имконияти бўлса-да, бир молни иккита қилолмай юрган пайтлари ҳам бўлган.

— Шунча яйлов, шунча ерлари бўла туриб-а?

— Сен у замоналарни билмайсан. Мен ҳам ёш бола эдим ўшанда. Сигиримиз тугса хурсанд бўларди, аммо кузга бориб сотишга тўғри келарди.

— Нега энди?

— Солиқ жуда катта эди-да. Вақтида тўламасаңг молиячилар уйингдаги бузоқни етаклаб кетаверарди.

Аваз ака ўғлининг ҳайрон бўлиб турганини кўриб, гапни давом эттирди. Ҳамма «Сталиннинг солиғи»дан безор эди. Ҳатто ҳовлидаги мевали даракларга ҳам солиқ тўларди ўша пайтлари. Замонамизга минг қатла шукр. Энди солиқ олиш у ёқда турсин, мол боққанга бир талай имтиёзлар ҳам берилибди, мана бу

қарорда. Бир сигир олиб, уч-тўрт йил нонни каттиқроқ чай-насанг уйинг молга тўлиб кетади энди. Қани кетдик, шийпонга борамиз.

— Биратўла тушлик қилиб кетмайми?

— Йўқ. Мана бу қарорни тезроқ ишчиларга етказайлик...

Бундан роса бир ой аввал Охангарон туманидаги «Азим ота» фермер хўжалиги раиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби Аваз ака Азимов хонадонидидаги суҳбатимиз чоғида вилоятда таниқли фермернинг хонадонидида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган, шунингдек, 2008 йилнинг 21 апрелидаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларини ёдга олдик.

— Худудимиз аҳолиси қадимдан чорвачилик билан шугулланиб келади. Давлатимиз томонидан яратиб берилётган имтиёзларни бир пайтлар ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдик. Бугун туманимиз кишлоқларида қайси хонадонда бўлманг, уч-тўртта қорамол, ўн-ўн бешта қўй боқилаётганини кўрасиз. Шу кетишда

ҳаётимиз янада яхши бўлиб кетади. Фақат каллани ишла-тиб, ҳисоб-китоб билан иш юритилса бас.

— Хўжалигингизда қанча одам ишлайди?

— Доимий ишловчиларимиз 16 нафар. Мавсумийлари билан қўшиб ҳисобласак 45-50 га бориб қолади. 150 гектар ерда галла, мева-сабзавот етиштиришни ўзи бўлмайди, ахир.

— Мунтазам ишловчиларнинг маошлари қанчага боради?

— Натура ҳолида бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 500 минг сўмдан ошади.

— Ушанда дала шийпонига шойилганингиз боиси нимада эди?

— Ҳа, айтгандай, Баҳодир билан шийпонга етиб борганимизда ишчилар тушлик қилиб бўлиб, суҳбатлашиб ўтиришган экан. Қўлимда газета. Уларга Президент қарорини бошдан-оёқ ўқи бердим. Кейин кимда қанча мол бор, деб сўрадим. Ҳисоблаб кўрсак, ўртача бештаданга тўғри келди. Одамлар «раис юқорига ҳисоб берса керак», деб ўйлашаётганини сезиб турардим. Шу боис кўнглимдаги ни оқиб айтиб қўя қолдим.

— Бугундан бошлаб ҳеч ким молни сотмайди. Зарурат туғилса фақат мен билан маслаҳатлашасизлар.

— Бирортасини сотиб, қишга ем-хашак гамламасак бўлмайди-ку, раис, — деди улардан бири.

— Бу йилдан бошлаб барчанингизга 100 тадан беда, 100 тадан сомон пресс хўжалик ҳисобидан берилади. Йилдан аввал экин майдонларини атрофидан ўрилган галланинг дони ҳам, сомони ҳам сизларники. Қолганига ўзингиз ҳаракат қиласизлар...

Хуллас, қарор чиққандан буён фақат эркак моллар сотилиб, ҳолос.

— Ҳозир хонадонлар бошлар қорамоллар сони ўртача нечтаданга тўғри келаяпти?

— 15 тадан орди. Бунча молни боқилиши ўзи бўлмайди. Аммо сут-қатикдан келатган даромад ҳам ёмон бўлма-

япти. Ҳар бир хонадонда ўзимизнинг қўлбола сарёғ. Есангиз мазаза қиласиз. Фалон сўм турадиган чет элники унинг олдидан ўтаверсин.

— Лекин шунча молни боқиб масаласи-чи?

— Бу йилдан бошлаб сотишга «рухсат» берилди. — дейди кулиб Аваз ака. — Энди ҳар йили ярмини сотганида ҳам қўрадаги моллар сони камаймайди. Яхшиларини саралаб, қолганини сотаверади...

Мана сизга оддий ҳисоб-китоб, деҳқонча дунёқарашнинг амалии самараси.

— Президентимиз бизга ақлни пешлаб, ҳисоб-китоб билан яшашни ўргатаёттилар. Агар юқоридаги қарорлар бўлмаганида ўзимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмаслигимиз аниқ эди. Мана шу икки қарор шахсан мени давлатимиз раҳбари ва ҳукумат қарорлари ижросига бўлган муносабатимни бутунлай ўзгартириб юборди. Ушбу ҳужжатлар замирида биз каби оддий одамлар манфаати мужассам эканлигини тушуниб етдим. Нафақат мен, хўжалигимиз аъзолари ҳам бўшқача фикрлай бошладилар, назаримда...

Юқоридаги қарорларда Аваз ака каби фермерларга аслида ҳеч қандай вазифа юклатмаган. Улар ижроси учун соҳа раҳбарлари, тегишли идора ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари бевосита масъулдилар. Улар томонидан кенг қўлмали ишлар амалга оширилаётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Аммо «Азим ота» фермер хўжалиги аъзолари хонадонларида ўтган қисқа давр мобайнида қорамоллар сони уч барбарга ошгани маъруз қарорларнинг оддий халқ турмуши фаровонлигининг ортисига нечоғли хизмат қилаётганидан ёрқин бир мисол экани алоҳида аҳамиятга моликдир. Агар ҳар бир фермер Аваз ака каби фикрлай бошласа, эртанги кунимиз янада нурафшон бўлиши, шак-шубҳасиздир.

Қахрамон Қўлдошев.

Гўзал ахлоқий қадриятлар сарчашмаси

2012 йил — Мустақкам оила йили

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши Мустақкам оила йилида аҳамиятга молик ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу спорт-соғломлаштириш тадбирларида, касаначилик ёки оила бизнеси билан шугулланаётганларни қўллаб-қувватлашда, маданият ва санъат муассасаларида маданий-маърифий учрашувлар ўтказишда ўз ифодасини топмоқда. Мақсад ҳар битта оила жамиятдаги янгилишни жараёнларидан ўз ўрнини топиш, соғлом авлодни тарбиялаб воғга етказишига кўмаклашидан иборат.



Партиянинг вилоят Кенгаши ташаббуси билан яқинда Самарқанд шаҳридаги муҳташам концерт залида ўтказилган яна бир қизиқарли тадбир ана шу йўлдаги фойдали ишларнинг давоми бўлди. Бу ерда коллеж талабалари, партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, таниқли шоира Турсуной Содикованинг Мустақкам оила йилига бағишланган му-

локотига тўпландилар. Ижодкор мамлакатимизда оилаларга кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳақида тўхталиб, бу ижтимоий ислохотларнинг асосий мақсади эканлигини, жамиятдаги маънавий юксалишлар энг аввало, оилада ўз ифодасини топиши зарурлигини таъкидлади. Ижодкорнинг фикрича, гўзал ахлоқий фазилатлар — инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, инсоф-диённат, меҳру оқибат оила муҳитига сингдирилиши фарзандлар тарбиясида катта таъсирга эга. Оила анъаналари, аجدодлар қадриятини эъзозлаб улғайган авлод эса мамлакатнинг буюк келажagini яратишга лойиқдир.

Учрашувда партия вилоят Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоев, «Адолат» СДП аъзоси туман кенгаши депутати Зебо Тўраева, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзоси Хабибулло Эш-назаров ва бошқалар сўзга чиқиб, самимий мулоқот учун шоирага миннатдорчилик билдирдилар ҳамда Мустақкам оила йилига бағишланган бундай тадбирларни вилоятнинг олис туманларида ҳам ўтказиш, оилаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Зоҳир Тўрақулов, «Адолат» мухбири.

Доменлар сони 14,1 мингдан орди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Uzinfocom» маркази «infoCOM.UZ» журнали билан ҳамкорликда «UZ» домен зонасининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

«Uzinfocom» маркази директори Д.Раҳимов доменлардан фойдаланиш қулай бўлиши учун турли янгиликлар мунтазам жорий этилаётган «UZ» домен зонасининг техник қисми жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, доменлар йўқолишининг олдини олиш учун фойдаланувчиларга СМС ва электрон хабарлар юбориш, СМС орқали «whois» сервисини, домен номлари эълани учун ўз доменларини ва хабарларни бошқариш учун мўлжалланган «Шахсий кабинет», cctid.uz сайтининг мобил тури, шунингдек, desk.uz лойиҳаси билан ҳамкорликда «UZ» доменлари мuddатини назорат қилиш» сервисини каби хизматлар ишга туширилди.



Яқин вақтдан буён рўйхат-рени бир йилдан беш йилгача узайтириш имконияти берилди. Ҳозир «Uzinfocom» маркази томонидан рўйхатга олувчини танлаш орқали доменларни онлайн режимида рўйхатдан ўтказиш учун аризаларни расмийлаштириш режалаштирилмоқда, қўшимча рўйхатга олувчиларни танлаш масаласи кўриб чиқилаяпти. www.cctid.uz сайтида «UZ» домен зонасини турли нуқтаи назардан ривожлантириш ҳолати тўғрисидаги ахборот билан танишиш имконини берадиган кенг қўлмали статистика маълумотлар жойлаштирилган. Мазкур статистикага мувофиқ, айни пайтда 14,1 мингдан ортиқ домен рўйхатга олинган. Йил бошидан буён ўсиш 700 дан зиёд доменни ташкил қилди. Hi-Tech, маданият, илм-фан, кўнгилочар ўйинлар, спорт, бизнес, давлат бошқарув органлари каби веб-сайтлар йўналишлари мавжуд.

Тадбиркорлик субъектлари қонун ҳимоясида

Тадбир

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, таъсири билан давлатимиз иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин эгалламоқда. Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инқирозли ҳолатларга қарамай, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш кузатишмоқда. Бу албатта, юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар, яратилётган қулай шарт-шароитлар, имкониятлар натижасидир. Қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан етарли норматив-ҳуқуқий базо яратилганлиги ҳам соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат фаолияти хусусида сўз борди.

Анжуманда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга ва текширувларга, қонун бузилиши ҳолларига йўл қўймаслик борасида олиб борилган амалий тадбирлар ва натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Таъкидландики, 2011 йилдан 2265 таси қаноатлантирилгани ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги бундан далолат беради.

Қайд этилган даврда прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутаассадди идоралар ҳамкорлигида жойларда 430 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар билан 8800 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 6700 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилгани натижасида 11800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани айтиб ўтилди.

Бош прокуратура масъул ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этган тадбир якунида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тарғибот ишларини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш, бу борада ОАВларидан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

«Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва худудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ кишлоқ худудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш» тан-

ловнинг асосий мавзусидир. Унда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади: — жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, ахирининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

Ризвоний НИЗОМОВА.

Фарғона водийси ўқувчилари учун футбол турнири

2012 йилда Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Ўтган йиллар давомида икки давлат ўртасида кўп томонлама ва сермахшуд алоқалар йўлга қўйилди. Ушбу муносабатлар кенг қамровли «Фарғона водийсидаги учрашувлар» лойиҳаси доирасида ўз аксини топмоқда.



Дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонлаш ва ўзбек футболнинг 100 йиллик юбилей байрамларига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Хориждаги мактаблар бўйича Германия марказий бошқармаси 2012 йил 2 май кuni Фарғона водийси ўқувчилари ўртасида худудий футбол турнири ташкиллаштирди. «Фарғона водийсидаги учрашувлар» лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу мусобақада Фарғона водийсининг чет тили сифатида немис тили ўргатиладиган мактаблардан бештаси ҳамда академик лицейлардан бештаси ўз футбол жамоалари билан иштирок этишмоқда.

Энг яхши гоёя учун 15 миллион

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант олиш учун танлов эълон қилди. Бир лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача бўлган миқдорни ташкил этади.

«Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва худудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ кишлоқ худудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш» тан-

ловнинг асосий мавзусидир. — жамиятда оила институти ва маҳалланинг ролини янада мустаҳкамлаш — ёш оилалар, аёллар ва ёшлар, ахирининг бошқа қатламларини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик, халқ хунарманчилиги, айниқса, узоқ кишлоқ худудларида, тадбиркорлик фаолияти шакллари ривожлантиришга кўмаклашиш; — ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрталари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга шароитлар яратиш; — аёллар ва ёшларнинг иж-

тимоий фаоллигини ошириш, узоқ туманлар ва кишлоқ худудларида уларнинг касбий таълимини яхшилаш; — жамиятимизнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг роли ва аҳамиятини ошириш, азалий миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда юқори одоб-ахлоқ тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг йўлга қўйишда кўмаклашиш; — жамиятимизда аҳолининг

ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш; — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизmlарини ишлаб чиқаришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Ғулом ХИДИРОВ.

Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!

Анжуман

Юртимизда фуқаролар, тadbиркорлар, хорижий сармоядор ва сармоялар иштирокидаги корхоналар мурожаатларини белгиланган тартибда ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш, шартномавий ҳуқуқий муносабатларни мустақамлаш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Тadbирда таъкидланганидек, 2011 йил ва 2012 йилнинг биринчи чораги давомида келиб тушган мурожаатлардан 3,5 мингдан ортиқроғи қаноатлантирилди. Бу борадаги ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш

мақсадида йўлга қўйилган 008 рақамли "Ишонч телефонлари" фаолияти самардорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур кўнғироқлар орқали келиб тушган мурожаатларнинг қарийб 1500 таси ўз ечимини топган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига 9,5 мингдан ортиқ тақдимномалар киритилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва тadbиркорлар фаолияти эркинлигига алоқадор 1875 та

ноқонуний қарор ва буйруқлар бекор қилинди. Матбуот анжуманида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда суд идоралари билан ҳамкорлик масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ойбек ТОЖИБОВЕВ.

Одамийлик сабоғи

Қадрият

Водий вилоятларидан бирида яшoвган таникли ижодкор Тошкентга келганда кўққисдан касалхонанинг жонлантириш бўлимига тушиб қолди. Докторлар беморнинг уйига хабар қилишди. Ўша кунни хавотирланиб ўғли кўнғироқ қилди. Бугуноқ йўлга тушишини айтди.

— Болам, сенга бир топширик бор, — деди бемор.
— Айтинг, бажараман, — деди ўғил.
— Ҳаммадан олдин менинг аҳолимни Тошкентдаги Муртазо Султоновга хабар қил, сенда телефон рақамлари бўлиши керак.

Бу даракни эшитган Муртазо ака ўша захоти шифохонага етиб борди. Қадрдони аҳолидан тўлиқ хабардор бўлди, даволловчи врачлар фикрини эшитди, камчиликлар бартараф этилди. Бемаҳал келган дард чекинди. Бунда Муртазо аканинг руҳий мадади ижобий роль ўйнади.

Ҳўш, беморнинг ҳолати қалтис ҳолга тушганда нима сабабдан айнан бу инсон эсга олинди? Бу ҳақда сўраганимизда элга таникли шоир хуш кайфиятда сўз бошлади:
— Муртазо Султоновни юртимиз зиёвчилари, ижодкорлари жуда яхши билишди. Бу самимий инсон эртадан кечгача одамларга яхшилик қилиш ҳақида елиб-югуради, одамийликнинг, меҳр-оқибатнинг рамзига айланиб кетган. У кишини кўрганымизда дардимни унутгандай бўлдим.

Муртазо Султонов шу даражага эришгунча мазмунли ва ўзига ҳос ҳаёт йўлини босиб ўтди. Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида маъзул лавозимларда самарали фаолият юритди. Муртазо ака мустабид даврида собиқ "марказ"дан ресурс ундириш бўйича дипломатия мактабини яратди. У кишининг жонқурлиги ўшанда нафақат муносиб баҳоланди, аксинча ноҳақ айбланиб, "жазо"га тортилди. Фақат мустақиллик шарофати билан адолат тантана қилди, юзи ёруғ бўлди.

— Юртимизда истибод занжирлари парчалангач, барча соҳада эркинлаштириш намoён бўлмоқда, — дейди Муртазо Султонов. — Шундай муҳитда инсоннинг яратувчилик қудрати бор бўйи билан кўзга ташланади. Меҳнатнинг мустақилликини мустақамлашга ҳисса бўлиб қўшилиётганини ҳис қилганда инсон асло чарчамас экан.

— Утмишини унутган одамнинг келажиги йўқ — бу қанотли иборани Муртазо Султонов кўп такрорлайди. Аслида Ўзбекистоннинг қонуний мулк бўлиши керак бўлган нарсалар ҳам "қизил империя" амалдорлари томонидан миннат каби бериларди. Ажабо, республикамизнинг чекка қишлоғида оддий



Суратда: Муртазо СУЛТОНОВ ҳамкасблари билан.

мактаб биносини қуриш учун ҳам Кремлнинг ижозати талаб қилинарди. Ахир у ерда ўтирган масъул ходим биздаги шароит ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди-ку. Ана шу беҳабарлик "пахта иши", "ўзбеклар иши" каби тўқималарни яратди.

Минг шўқри, мустақиллик бундай бедодликка чек қўйди. Истиқлол тантана қилган юрда ўз йўлимиздан бормоқдамиз. Президентимиз таърифи билан айтганда, шу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Инсоннинг иззатини жойига қўйиш, унинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш Муртазо Султонов каби фидойи кишиларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида воқеликка айланмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотини жорий этиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Эндики йўлимиз инсонни жазолаш эмас, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган. Шу маънода, ҳақамлик судларининг ташкил этилиши аниқ мундo бўлди. Бой ҳаётий тажриба соҳиб Муртазо ака ҳақамлик судларида фаолият юритмоқда. Бу Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган қурувчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Муртазо Султонов ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида ишлаётгани баъзиларни ажаблантириши мумкин. Аслида эса чин маънода янги шаклдаги ҳақамлик судларида айнан Муртазо ака каби катта ҳаётий тажриба тўплаган, кўпни кўрган кишилар фаолият юритишади. У киши Ўзбекистон ҳақамлик судлари ассоциацияси раиси ўринбосари. Доимо халқ орасида ушбу янги тузилма ҳуқуқий билимини ошириш, аҳоли онгини юксалтиришда муҳим ўрин тутишини содда, ҳаётий мисоллар асосида тушунтиради. Марказий газеталар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқиб туради.

Таққослаш, жонли мисоллар келтириш, янгиликнинг моҳиятини лўнда ва жайдари тилда тушунтириш Муртазо аканинг сеvimли услуби. Қаранг, ҳақамлик судлари афзаллигини у киши қандай шарҳлайди:
— Иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларда шундай ҳолатлар учрайдики, уларнинг барчаси судлар томонидан кўриб чиқилиши мушкул. Негаки, давлат судларининг иш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда, қолаверса, ҳўжалик судларига мурожаат қилувчиларнинг аксарияти қисмини кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ташкил қилмоқда. Бу, ал-

батта, низолар судда кўрилиши мундoнинг табиий равишида чўзилишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатда ҳақамлик судларининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Юртбошимиз ташаббуси билан "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши республикада судловнинг янгича — замонавий турини жорий этди. Унга кўра, ҳақамлик суди — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тadbиркорлик субъектлари ўртасида вуждга келувчи ҳўжалик низоларини ҳал қилувчи нодавлат орган сифатида эътироф этилди.

Ҳақамлик муҳокамаси тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан усулларида бири ҳисобланади. Чунки унинг иш юритиш таъминоти тadbиркорлар манфаатларига тўлиқ мос келади. Яъни ҳақамлик судлари томонидан адолатли ҳал қилиниши ошқор қилмаслик, иш юритишнинг ёпиқ тарзда олиб борилиши, ишда прокурор иштирок этмаслиги, низолар қисқа муддатларда ҳал қилиниши, ҳақамлик йиғимининг суммаси давлат боҳига нисбатан 2 баробарга кам ундирилиши, уларнинг ҳал қилув қарорлари тарафлардан бошқаларга ошқор этилмаслиги ва қабул қилинган қунданко кўчга кириши қабилига алоҳида эътибор берилди.

Хуллас, мамлакатимизда ҳақамлик судларининг фаолият кўрсатиши тadbиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди. Шу билан бирга, қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Чунки ҳақамлик судларининг мавжудлиги ривожланган давлатларда бўлгани каби, хорижий инвесторлар учун ҳам қаноатли вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳақамлик судлари мамлакатимизда бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқишни халқаро талаблар даражасига кўтариш имконини беради.

Муртазо ака, қаерга бормасин, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни мунтазам тарғиб қилади. Бу билан жамиятимизда ҳуқуқий билимлар кенг тарқалишига ҳисса қўшади.

Шу эзгу ниятда ҳорманг, устоз, деймиз!

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ОАТ "АЛОҚАБАНК" НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ХААҚИГА 9 — МАЙ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ УМУМХААҚ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎДСИН! ЭДИМ ОЕБ, БАТАН ОЕБ ШАХИО КЕТГАНДАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ!

БАНК ХИЗМАТЛАРИ

- ХИСОБ-КАСА ХИЗМАТЛАРИ;
- КРЕДИТЛАР;
- ОМОНАТЛАР;
- ҚИММАТЛИ ҚОГОЗЛАР;
- ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ АМАЛИЕТЛАРИ;
- БАНК-МИКОЗ;
- SMS-BANKING;
- INTERNET-BANKING;
- КОММУНАЛ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР УЎНИНГ ТУПЛАВИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ;

АЛОҚАБАНК
YUKSALIKKHA INTILGANLAR UCHUN

ПУЛ УТКАЗМАЛАРИ

- WESTERN UNION
- UNIBANK
- КОНИСТРИМ
- BLIZKO
- Золотая Корона
- АИДЕП
- Мioт
- Аnetik
- Сити
- MoneyGram
- ТРАСЛАК
- АКСРАЛ
- ПОВТА

www.aloqabank.uz

Банк ходимлари томонидан совуққонлик, сансоларлик ва таъмагирлик ҳолатлари юз берганда қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат қилишингизни сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: (8 371)236-38-39
Навоий Банк бош бошқармаси: (8436) 226-10-85, 226-10-97
ОАТ "Алоқабанк" бош офиси: (8 371) 233-47-20, 232-83-75
ОАТБ "Алоқабанк" Навоий филиали: (8 371) 532-36-65, 532-49-58

*Шижоатини
мансабларида
мон олт,
мон берган
пуроний
отахонларимизни,
мазмунли
ҳаётини юртимиз
келажига
бағишлаган
меҳнат
фахрийларини*



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЧОРВА-ОЗУҚА БИРЛАШМАСИ

сизларни Хотира ва қадрлаш кунини билан қутлайди.

**Хонадонингизни қут-барака, тинчлик-
осойишталик ҳеч қачон тарк этмасин, соғлиқ-
саломатлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазонир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашидан ХАЙДАРОВ, Таълаб МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Наир учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; **Телефонлар:** қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат тахрират рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чизда бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақамни билан рўйхатга олинган.

НАИР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Тахрират манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
аdolat_gazeta@mail.ru

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—500. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9657. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.00

1 2 3 5

“Ҳаёт учун!” хайрия форум-марафони

Тошкентда 1 май куни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси, Сюзен Комен номдаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди (АҚШ) ва «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ўтказилди.



Ўзбекистонда илк бор кенг кўламда ўтказилган ушбу форум-марафонда уч йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 100 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Жорий йилда мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида 20 мингдан ортиқ ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қарийб 40 минг иштирокчини қамраб олди. Бундай кенг кўламда хайрия марафонларини ташкил этиш кўкрак беги саратони касаллигига қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор одамларни жалб этиш имконини бермоқда.

Бу йилги марафонда маданият ва санъат, эстрада, кино, театр намояндалари, спортчилар, шифокорлар, дипломатик корпус, жамоат ташкилотлари, вазирилик ва идоралар вакиллари, хорижлик меҳмонлар, талабалар, мактаб ўқувчилари, жисмоний имконияти чекланган одамлар, марафонларнинг вилоятлардаги энг фаол қатнашчилари, бир сўз билан айтганда, хайр-саховат ҳамда хотин-қизлар саломатлигини сақ-

лаш гоёсига бефарқ бўлмаганлар иштирок этди.

Марафон — 2012 беш босқичда бўлиб ўтди: 1) инклюзив таълимни кўллаб-қувватлаш бўйича югуриш, 2) ёш болали оилалар, 3) мактаб, лицей ва коллежалар ўқувчилари, 4) турли ташкилотлардан хотин-қизлар, шифокорлар ва дипломатик корпус вакиллари, 5) талабалар, кўнгилчилар, артистлар, спортчилар.

Тадбир давомида старт ва финишда кўкрак беги саратони касаллигига қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор одамларни жалб этиш имконини бермоқда.

Лойиҳани кўллаб-қувватлаган ва Марафон — 2012да иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган хорижий давлатлар вакиллари орасида АҚШ, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Италия элчихоналари, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, БМТ, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Конрад Аденауэр но-

мидаги жамғарма, Жаҳон банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва бошқалар бор.

Пойтахтимизда марафонни ўтказиш арафасида кўкрак беги саратонига қарши курашга бағишланган қатор лойиҳалар амалга оширилди. 23 апрель куни “Жар” стадионида театр, кино актёрлари, эстрада ижрочилари ва мусиқачилар, шунингдек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўнгилчилари ўртасида “Футбол ҳаёт учун!” хайрия футбол учрашуви бўлиб ўтди.


28 апрель куни «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси ва АҚШнинг Сюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди томонидан Ўзбекистонда кўкрак беги саратонига чалинган хотин-қизларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Пен-

сия жамғармаси, фармацевтика компаниялари, маънавий муассасалари вакиллари, шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кўкрак беги саратони билан касалланган хотин-қизлар иштирок этди.

Форум-марафони Ўзбекистонда 2010 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Анъанага кўра, унда тўпланган маблағлар «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмасининг дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2011 йилги марафон якунлари бўйича соҳа мутахассислари (онкогинеколог, маммолог, УЗИ мутахассиси, психолог) томонидан мамлакатимиздаги 11 минг нафардан ортиқ хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилди ва уларга маслаҳатлар берилди.

«Ҳаёт учун!» миллий уюшмасининг бундай тадбирларида Жанубий Корея, АҚШ, Исроилдан келган шифокорлар ҳам иштирок этди. Истиқболда тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонлик шифокорларни Жанубий Кореяга юбориш режалаштирилмоқда.

Уюшма лойиҳалари доирасида уч йил давомида кўкрак беги саратони ташхиси қўйилган 300 нафардан зиёд хотин-қиз умумий қиймати 900 миллион сўмдан ошиқ дори-дармон билан таъминланди. «Ҳаёт учун!» миллий уюшмасининг ташхис қўйиш тадбирларида қарийб 20 минг хотин-қиз кўриқдан ўтказилди. Кўкрак беги саратонига чалинган икки бемор Жанубий Корея ва Исроилдаги тиббиёт клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди.



www.adolat.uz сайти саҳифаларида:

- Сайт ўқувчилари сони қисқа вақт ичида 10 мингдан ошди. Олдинда Сизни партия ҳаётига оид қизиқарли хабарлар, янги лойиҳа ва саҳифалар кутмоқда.
- “Онлайн депутат” лойиҳаси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси Умид Жуманиёзов сайт ўқувчиларининг пластик карточка муомаласи, кредит олишдаги муаммолар ва бошқа иқтисодий-сиёсий масалаларга оид саволларига жавоб берди.
- “Видеороликлар” саҳифаси тарихга назар: бундан 10 йил аввалги оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар диққат-эътиборингизни тортиши шубҳасиз.

Қадимий жанг майдони

Буюк Британиянинг шимолий ҳудудида археологлар томонидан римлик аскарлар жанг қилган қадимий майдон топилди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ушбу майдондан эраикздан аввалги III асрга оид олти юз турдаги пўлат қурол-аслаҳа, совут ва бошқа кўплаб ашёлар топилган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, топилмалар ичидаги энг қадимийси ва қимматбахоси олтин ва қумуш тангачалардир.

Ўқинг, бу қизиқ



Марсда вулқон излари


Геологлар Марс сайёрасида вулқон изларини аниқладилар. Лава оқими натижасида юзага келадиган бундай юмалоқсимон шакллар сайёранинг экватор қисмидаги Атабаска водийсидан топилган.



Ташхиснинг янги усули

Германиялик олимлар ошқозон ва жигар саратонини қон таҳлили орқали аниқлаш усулини яратдилар.

Бемор биргина қон таҳлили жавобларидан ўз касаллиги ҳақида барча маълумотларга эга бўлади. Бундай усул ҳеч қандай препарат ёки кимёвий нурларсиз жуда аниқ ташхис қўйиш имконини беради. Айни дамда Германиядаги барча шифохоналарда қўлланилиши режалаштириляётган мазкур усулдан фойдаланишнинг баҳоси минг еврога тенг. Таҳлил натижалари учун 3-4 кун кифоя.



Олимларнинг таъкидлашича, бундай излар лава оқимининг турли йўналиш ва тезлик бўйича ҳаракатланиши оқибатида юзага келади.

Қизил сайёрадаги ушбу излар «Mars Reconnaissance Orbiter» қурилмасига ўрнатилган HiRISE камераси ёрдамида тасвирга олинган.



Pharmed sanoat

хусусий корхонаси жамоаси

Эл-юртимиз истиқболи учун жонини фидо қилган, бутун умрини Ватанимиз озодлиги, обрў-эътибори, фаровонлиги, илму маданиятини кўтаришга бахшида этган табаррук бобокалонларимиз руҳини ёд айлаган ҳолда сеvimли Ўзбекистониmиз аҳлини

Ҳотира ва қадрлат кўни билан 9 Май кўтлайди.

